



# Optimization of the system of government bodies regulating the sphere of ecology: a comparative legal analysis

Adkhamjon AKHROROV<sup>1</sup>

Tashkent State University of Law

## ARTICLE INFO

### Article history:

Received June 2022  
Received in revised form  
20 June 2022  
Accepted 25 July 2022  
Available online  
15 August 2022

### Keywords:

environmental sphere,  
government bodies,  
environment,  
environmental problem,  
ecology and environmental  
protection,  
environmental  
responsibility,  
general and special  
authorized bodies.

## ABSTRACT

Based on the scientific views of legal scholars, the article analyzes the concept and system of government bodies that regulate the sphere of ecology. In particular, the issues of dividing the environmental sphere into general, special and functional bodies in accordance with the competence of government bodies are highlighted. The experience of developed countries such as Germany, Japan, South Korea, and the People's Republic of China, Ukraine and India was also studied. Within the framework of the study, the research bases of state administration bodies regulating the sphere of ecology, divided into different groups, and the opinions of scientists on this matter, are substantiated. Because of the study, proposals and recommendations were developed regarding the need to improve the system of public administration bodies regulating this area and create effective mechanisms for public administration.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss7/S-pp39-47>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

# Экология соҳасини тартибга солувчи давлат бошқарув органлари тизимини оптималлаштириш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил

## АННОТАЦИЯ

### Калит сўзлар:

экологик соҳа,  
давлат бошқарув  
органлари,  
атроф-муҳит,

Мақолада давлат бошқаруви, экология соҳасини тартибга солувчи давлат бошқарув органлари тушунчаси, тизими ҳуқуқшунос олимларнинг илмий қарашлари асосида таҳлил қилинган. Жумладан, экология соҳасини

<sup>1</sup> Teacher of the Department of Administrative and Financial Law of Tashkent State University of Law.

экологик муаммо,  
экология ва атроф-муҳит  
муҳофазаси,  
экологик жавобгарлик,  
умумий ва махсус  
ваколатли органлар.

тартибга солувчи давлат бошқарув органларини ваколатига кўра умумий, махсус ва функционал органларга ажратиш масалалари ёритилган. Шунингдек, Германия, Япония, Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси, Украина ва Ҳиндистон каби дунёнинг ривожланган мамлакатлари тажрибаси ўрганилган. Тадқиқот доирасида экология соҳасини тартибга солувчи давлат бошқарув органларини турли гуруҳларга ажратилган ҳолда тадқиқ этиш асослари ва бу борада олимларнинг қарашлари асослантилган. Тадқиқот якунида ушбу соҳани тартибга солувчи давлат бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш зарурияти ҳамда давлат бошқарувининг таъсирчан механизмларини яратиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

## Оптимизация системы органов государственного управления, регулирующих сферу экологии: сравнительно-правовой анализ

### АННОТАЦИЯ

#### **Ключевые слова:**

экологическая сфера,  
органы государственного  
управления,  
окружающая среда,  
экологическая проблема,  
экология и охрана  
окружающей среды,  
экологическая  
ответственность,  
общие и специальные  
уполномоченные органы.

В статье на основе научных взглядов ученых-правоведов анализируются понятие и система органов государственного управления, регулирующих сферу экологии. В частности, освещены вопросы деления природоохранной сферы на общие, специальные и функциональные органы в соответствии с компетенцией органов государственного управления. Также был изучен опыт развитых стран, таких как Германия, Япония, Южная Корея, Китайская Народная Республика, Украина и Индия. В рамках исследования обоснованы исследовательские базы органов государственного управления, регулирующих сферу экологии, разделенные на разные группы, и мнения ученых на данном вопросу. По итогам исследования были выработаны предложения и рекомендации по совершенствованию системы органов государственного управления, регулирующих данную сферу, и создания эффективных механизмов государственного управления.

### КИРИШ

Экологик барқарорликни таъминлаш, аҳолининг қулай табиий муҳитда ҳаёт кечириши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш, табиий ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш, мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш бевосита самарали давлат бошқарувини жорий этишни талаб этади. Экология соҳасида давлат бошқарувининг самарали ва таъсирчан механизмларини жорий этиш, шунингдек, давлат бошқарув органлари вазифа ва функцияларини қайта кўриб чиқиш асносида ягона, марказлашган давлат бошқаруви органини жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки экология соҳасини тартибга солувчи

давлат бошқарув органларининг тарқоқлиги, вазифа ва функцияларнинг турли органларда тўпланиши ва бошқарувнинг ягона тизими жорий этилмаганлиги соҳани тартибга солишда бир қатор қийинчиликларга сабаб бўлмоқда.

### **МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР**

Тадқиқот доирасида илмийлик, холислик, таққослаш, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, индукция, дедукция ҳамда бошқа методлардан фойдаланилган.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Мамлакатимизда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилашни таъминлаш юзасидан бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Бироқ олиб борилаётган ислохотларга қарамасдан, турли хил экологик муаммолар вужудга келмоқда ва йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бунга асосий сабаб сифатида экологик соҳани тартибга солувчи ягона органнинг мавжуд эмаслиги, вазифаларнинг тарқоқлигини кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Таъкидлаш жоизки, давлат бошқаруви тизимида экология соҳаси долзарб ва кўп қиррали ҳисобланади. Бугунги кунда маълум бўлган ва энди пайдо бўлиши кутилаётган экологик муаммолар инсон саломатлиги, нормал турмуш тарзига салбий таъсир ўтказмоқда. Мазкур муаммоларнинг мавжудлиги Ўзбекистон Республикасида экология соҳасида самарали давлат бошқарувини йўлга қўйиш ҳамда соҳани тартибга солувчи давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштиришни талаб этади.

Шу ўринда давлат бошқаруви тушунчаси ва давлат бошқаруви органлари тушунчаларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Юридик адабиётларда ҳуқуқшунос олимлар томонидан давлат бошқаруви тушунчасига кўплаб таъриф берилган. Жумладан, рус ҳуқуқшунос олими Ю.Н.Стариловнинг фикрича, давлат бошқарувининг барча таърифларининг асосий мазмуни тегишли тизимни тартибга солиш, ташкил этиш ва унга тартибга солиш таъсирини кўрсатиш учун давлатнинг ижтимоий муносабатларга мақсадли амалий таъсири, яъни унинг тўғри ишлашини ва мумкин бўлган ўзгаришини таъминлашни қамраб олади. Г.В.Атаманчук давлат бошқарувининг учта мажбурий хусусиятига ишора қилади: 1) бошқарув таъсири давлат ҳокимиятининг кучига асосланади; 2) давлат бошқарувининг бутун жамиятда кенг тарқалганлиги (унинг умумийлиги); 3) тизимлилик.

Ю.Н. Старилов давлат бошқарувига кенг ва тор маънода таъриф берган. Давлат бошқаруви, кенг маънода, бутун давлат фаолиятини (вакиллик ҳокимияти, ижро этувчи ҳокимият органлари, прокуратура, суд ва бошқалар фаолиятини) тартибга солишдир. Давлат бошқаруви давлатнинг барча фаолиятини махсус ҳуқуқ субъектларининг ижтимоий муносабатларга таъсирини ташкил этиш нуқтаи назаридан тавсифлайди.

Давлат бошқаруви, тор маънода, маъмурий фаолият, яъни Россия Федерацияси ва унинг субъектлари даражасида давлат ҳокимияти ижроия органларининг фаолияти.

Ю.М. Козловнинг таъкидлашича, давлат бошқаруви ҳар қандай давлат фаолияти сингари қарор қабул қилиш, уни ижро этиш ва мазкур ижро устидан назоратни амалга оширишдан иборатдир.

Фикримизча, Ю.Н. Старилов томонидан давлат бошқарувига берилган таъриф мазкур тушунчанинг моҳиятини кенгроқ очиб беради.

Таъкидлаш жоизки, аксарият юридик адабиётларда ҳуқуқшунос олимлар томонидан экология соҳасидаги давлат бошқаруви органлари гуруҳларга ажратилган ҳолда таҳлил қилинади. Жумладан, рус ҳуқуқшунос олими М.М.Бринчукнинг фикрига кўра, табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш борасидаги давлат бошқаруви турли ваколатларга эга ва турли даражаларда фаолият юритувчи турли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Уларни уч турга бўлиш мумкин: умумий ваколатли органлар, махсус ваколатли органлар ва функционал органлар. Умумий ваколатли органлар томонидан табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ушбу фаолиятни ўз ваколатларига юкланган бошқа вазифаларни – иқтисодиётни ривожлантириш, ижтимоий соҳа (соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, муҳофаза, космик ва бошқалар)нинг ривожланишини бошқариш билан бир қаторда амалга оширадilar.

Табиатдан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишни таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда турли даражадаги фаолият юритувчи ихтисослаштирилган бошқарув органларининг роли беқиёсдир. Уларга атроф-муҳитни тартибга солиш, лицензиялаш, сертификатлаш, назорат қилиш ва ҳоказолар билан боғлиқ энг масъулиятли функциялар юклатилади. Махсус органларга фақат жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири соҳасидаги муаммоларни ҳал қилиш учун ташкил этилган органлар киради. Федерал ижроия ҳокимиятининг марказий органлари тизимида бошқа вазифалар қаторида табиатдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишни давлат бошқаруви бўйича махсус вазифалар юкланган бир қатор органлар мавжуд (Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва б.).

С.А. Балашенконинг фикрига кўра, ваколатларнинг турли органлар ўртасида тақсимланиши бажариладиган вазифаларнинг функционал мақсади ва хусусияти билан белгиланади. Ваколатига кўра табиатни бошқариш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари фарқланади. Улар умумий, махсус, идоралараро ва тармоқ (идоралар) ваколатли органларга бўлинади.

Профессор Ш.Х. Файзиевнинг фикрига кўра эса, экологик сиёсатни амалга оширишда турли давлат органларининг ваколатларига асосланган маъмурий-ҳуқуқий механизм тизими умумий ва махсус ваколатли бошқарув органларига бўлинади.

Бизнинг фикримизча, миллий ҳуқуқ тизимимиз Россия Федерацияси ҳуқуқ тизимида жуда яқинлигини, Ўзбекистон Республикасида экологик соҳани тартибга солувчи ваколатли органлар жуда кўплигини ҳисобга олган ҳолда уларни умумий, махсус ва функционал органларга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Умумий ваколатли органларга Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари; махсус ваколатли органларга эса Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Бош прокуратура тизимида Табиатни муҳофаза қилишга оид қонунчилик ижроси устидан назорат ҳамда ерлардан ноқонуний фойдаланишни

бартараф этиш бўйича ихтисослаштирилган прокуратура ва бошқалар; функционал органларга эса Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Курилиш вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ва бошқаларни кўрсатишимиз мумкин.

Мазкур давлат органлари тизимини оптималлаштириш, уларнинг вазифа ва функцияларини аниқлаштириш соҳани тартибга солиш фаолияти самарадорлигини оширишда ва мавжуд экологик муаммоларни бартараф этишда муҳим ҳисобланади. Шу сабабли соҳани тартибга солувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан хорижий давлатларнинг тажрибасини таҳлил қилиб чиқамиз.

### **Германия**

Германияда экология соҳасини тартибга солувчи ягона орган Атроф-муҳит, табиатни муҳофаза қилиш ва ядровий хавфсизлик ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш федерал вазирлиги ҳисобланади. Мазкур вазирлик 30 йилдан ортиқ вақт давомида фуқароларни экологик заҳарли моддалар ва радиациядан ҳимоя қилиш, хомашёдан оқилона ва тежамкор фойдаланиш, иқлимни муҳофаза қилиш, хомашёдан оқилона ва тежамкор фойдаланиш, ҳайвон ва ўсимлик турлари ҳамда уларнинг яшаш муҳитининг сақланишини таъминлайди.

Вазирлик ўз вазифаларини бажариш учун қуйидаги воситалардан фойдаланади:

Асосий вазифа тартибга солувчи соҳаларда ҳуқуқий базани шакллантириш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ҳисобланади. Бунга Европа Иттифоқи нормаларини миллий қонунчиликка татбиқ қилиш ҳам киради.

Вазирлик ҳукумат учун Бундестаг ва Бундесрат томонидан қабул қилинадиган қонун лойиҳаларини тайёрлайди. Бундан ташқари, вазирлик қонун нормаларини мустаҳкамлаган қонуности ҳужжатлар чиқарилишини назорат қилади. Вазирликнинг тартибга солувчи барча соҳаларига оид қонун лойиҳаларда иштирок этади.

Тадқиқот ва ишланмаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, инновацион технологияларни бозорга чиқаришни қўллаб-қувватлаш:

Қонунчилик базасини такомиллаштиришдан ташқари вазирлик ихтиёрида иқтисодий воситалар ҳам мавжуд. Молиялаштириш дастурлари солиқлар ҳисобидан, шунингдек, эмиссия савдосидан тушадиган даромаддан ҳам тузилади. Фуқаролар, уюшмалар ва ташкилотлар, тадбиркорлар ёки коммуналар муайян лойиҳалар учун молиявий ёрдам олишлари мумкин.

Миллий ва халқаро даражада яқин ҳамкорлик.

### **Япония**

Япония давлатида экологик муҳофаза чораларига бошқа давлатларга қараганда бирмунча жиддий эътибор қаратилади. Бунинг асосий сабабларидан бири географик жиҳатдан Япониянинг жойлашуви бўлса, яна бир сабаби замонавий технологияларнинг ҳар бир соҳага, хусусан, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига ҳам кенг татбиқ этилганлигидир. Ҳозирги кунда Япония давлатида бир қатор давлат органлари экологик назорат, экологик бошқарув функцияларини бажариб келмоқдалар. Япония атроф-муҳит муҳофазаси

вазирлиги ваколат жиҳатдан юқори ўринни эгаллайди. Ундан ташқари, Япония биохилма-хиллик маркази, БИСЕИ атмосферани муҳофаза қилиш маркази, Халқаро атроф-муҳит тадқиқотлари маркази, Атроф-муҳит ва ташқи ишлар вазирлиги, Ўрмон агентлиги, Япон геологик тадқиқот маркази, Япон метрология маркази, Япония Сув хўжалиги агентлиги, Агросаноат, ўрмон ва балиқчилик вазирлиги, Япония Ер, инфратузилмалар ва транспорт вазирлиги ва ўндан ортиқ илмий институтлар фаолият юритмоқда.

### **Ҳиндистон**

Ҳиндистон экология жамияти. Ҳинд экологик жамияти 1974 йилда таниқли эколог, ўқитувчи ва маъмур, профессор А.С.Атвалл раҳбарлигида таъсис этилган. Мазкур экологик жамият экологик фанлар ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги ютуқлар билан шуғулланадиган Ҳиндистон ташкилотларидан бири ҳисобланади.

Жамиятнинг аниқ мақсад ва вазифалари қуйидагилардир:

- Ҳиндистонда экологик ҳодисалар сабабларини тадқиқ этиш;
- экологик тадқиқотларни рағбатлантириш ва экологиянинг турли соҳаларида тадқиқотларни интеграциялаш;
- тегишли мақсадлар ва манфаатларга эга бўлган ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш ва экологлар ўртасида мулоқот учун имкониятлар яратиш;
- саноат ва қишлоқ хўжалиги чиқиндиларини тўғри қайта ишлаш орқали атроф-муҳит ифлосланишини камайтириш учун техник билимларни тақдим этиш.

Ушбу жамият юқоридаги вазифа ва мақсадларга эришиш йўлида тадқиқотларни амалга оширади ва ўз фаолияти натижалари бўйича турли нашр, матбуот воситалари, журналларда маълумотлар чоп этиш орқали экология ва атроф-муҳит муҳофазасида фойдали ишланмалари орқали жонбозлик кўрсатади.

Фаолият йўналишлари:

- кўп тармоқли қишлоқ хўжалиги ва атроф-муҳит тадқиқотлари;
- истиқболли қишлоқ хўжалиги;
- табиий ресурслар бошқаруви;
- экологик мониторинг, биохилма-хиллик ва экотизим тадқиқотлари;

Махсус қизиқиш гуруҳлари:

- ер экологияси;
- сув экологияси;
- экологияни муҳофаза қилиш;
- экологик генетика;
- ўрмон экологияси;
- йўқолиб бораётган турлар;
- тупроқ ва ўсимлик соғлиги;
- иқлим ўзгаришлари;
- атроф-муҳит ифлосланиши.

Хитой Халқ Республикаси

Мазкур Осиё давлатида бир қатор давлат органлари экологик муҳофаза, экологик бошқарув билан шуғулланиб, уларнинг ичида асосий бошқарув органи Хитой Халқ Республикаси экология ва атроф-муҳит муҳофазаси вазирлиги ҳисобланади. Вазирлик ўз ваколати доирасида қуйидаги вазифа ва мақсадларни кўзлаб фаолият юритади:

– экологик муҳитга нисбатан Хитойда асосий тизимни яратиш ва такомиллаштириш;

– миллий экологик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш сиёсати ва режаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек, қонунлар ва регламентларни ишлаб чиқиш ҳамда идоравий нормаларни шакллантириш учун бошқа давлат идоралари билан ҳамкорлик қилиш;

– бошқа минтақавий идоралар билан ҳамкорлик қилиш, экологик режалар ва муҳим ҳудудлар, дарёлар ҳавзалари, денгиз зоналари ва ичимлик сув манбалари ҳудудлари учун сувни ишлаб чиқаришни режалаштириш режаларини амалга ошириш;

– экологик стандартларни шакллантиришни ташкил этиш ҳамда экологик мезонларни ва техник тавсифларни шакллантириш;

– асосий экологик масалаларни мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва тартибга солиш;

– жиддий ёки катта атроф-муҳитнинг ифлосланишига олиб келадиган бахтсиз ҳодисалар, шунингдек, экологик зарар етказишга олиб келадиган ҳодисаларни текширишни бошлаш ва мувофиқлаштириш;

– фавқулодда вазиятларда жиддий ёки йирик экологик вазиятни эрта аниқлаш бўйича маҳаллий ҳукуматларни бошқариш ва мувофиқлаштириш;

– экологик зарарни қоплаш бўйича компенсация чораларини амалга ошириш ва уларни бошқаришга раҳбарлик қилиш;

– минтақадаги атроф-муҳитни ифлослантирувчи низоларни ҳал этиш бўйича мувофиқлаштирувчи ролни таъминлаш;

– Хитойнинг асосий ҳудудларида, дарё ҳавзаларида ва денгиз зоналарида экологик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштириш;

– миллий эмиссияларни қисқартириш мақсадларига эришишни таъминлашни назорат қилиш ва бошқариш;

– ер ва денгизда турли ифлослантирувчи моддалар учун умумий эмиссия назоратининг мақсадларини белгилаш, шунингдек, ифлослантирувчи чиқиндиларни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишни назорат қилиш;

– ҳавонинг, сувнинг ва денгизнинг ифлослантирувчи қобилятини аниқлаш;

– ифлослантирувчи моддаларни ва уларни камайтиришга оид мақсадларини, жами эмиссияни назорат қилиш;

– маҳаллий ҳокимият органларининг ифлослантирувчи эмиссияларни камайтириш бўйича ишларини назорат қилиш;

– экологик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадлари учун жавобгарлик тизимини жорий этиш.

### **Жанубий Корея**

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги Жанубий Корея давлатида экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида фаолият юритувчи юқори ваколатли орган ҳисобланади. Вазирликнинг вазифалари:

– атроф-муҳитни ифлослантирувчи таҳдидлардан ҳимоя қилиш;

– аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш;

– табиий муҳитни, тоза сув ва очиқ осмонни соф ва табиий муҳитни соф ҳолатда сақлаш.

Ундан ташқари, вазирлик ягона Ерни ҳимоя қилиш бўйича глобал ҳаракатларга ҳисса қўшишни ҳар доим ёқлайди.

Шу билан биргаликда, вазирлик қуйидаги ваифаларни ҳам бажаради:

- атроф-муҳит қонунлари ва қоидаларига риоя қилиш ва ўзгартириш;
- атроф-муҳит институтларини жорий этиш;
- атроф-муҳитни бошқариш учун рамка тизимини шакллантириш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ўрта муддатли истиқболли комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар яратиш;
- маҳаллий бошқарув органларига экологик бошқарувни маъмурий ва молиявий қўллаб-қувватлашни таъминлаш;
- ички экологик ҳамкорлик ва бошқа мамлакатлар билан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш.

### **Украина**

Украина Экология ва табиий ресурслари вазирлиги. Украина Экология ва табиий ресурслар вазирлиги Украина Вазирлар Маҳкамаси томонидан бошқариладиган ва мувофиқлаштириладиган марказий ижроия ҳокимиятидир. Экология ва табиий ресурслар вазирлиги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик хавфсизлик, чиқиндиларни қайта ишлаш, хавфли кимёвий моддалар, пестицидлар ва қишлоқ хўжалиги кимёвий моддалари билан шуғулланади ва давлат экологик экспертизасини амалга оширади. Вазирлик атмосфера ҳавоси, озон қатламини сақлаб қолиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини тиклаш ва ҳимоя қилиш, ерларни тиклаш ва ҳимоя қилиш, сув ресурсларини (ерусти, ер, денгиз сувлари) тиклаш ва ҳимоя қилиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида амалий ишлар олиб боради. Бундан ташқари, вазирлик сувни бошқариш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини қонуний ва тартибга солиш, геологик жиҳатдан ўрганиш ва минерал хомашё ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайди, шунингдек, атроф-муҳитга оид қонунчилик талабларини бажариш устидан давлат назоратини амалга оширади.

### **ХУЛОСА**

Мамлакатимиздаги ҳозирги экологик вазият махсус ваколатли давлат органларининг экологик функциясини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Чунончи, Ўзбекистон давлатининг атроф табиий муҳитни соғломлаштириш борасидаги бир қатор тадбирларни амалга ошираётганига қарамаздан, экологик муносабатлар ҳали ҳам табиат ва жамият учун номутаносиб даражада сақланишда давом этмоқда. Бу номутаносибликни, экологик муаммоларни, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни, инсонлар учун қулай табиий атроф-муҳитни вужудга келтиришда махсус ваколатли давлат органларининг ролини, унинг функциясини кучайтирмасдан, такомиллаштирмасдан бартараф этиш ва ҳал қилиш жуда қийин. Ҳозирги кунда кўриб чиқилганидек, биргина экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида ўндан ортиқ махсус ваколатли давлат органлари фаолият юритмоқда. Тан олиш керакки, мазкур органларни яхлит ҳолда тутиб турувчи тизим ташкил этилмаганлиги соҳадаги муаммоларнинг самарали ечимлар билан таъминланмаётганлигини кўрсатади. Хорижий давлатлар мисолида кўрадиган бўлсак, Япония, Германия, Франция, Украина, Хитой, Корея каби илғор давлатларда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш функцияси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан амалга оширилмоқда. Бу эса органлар тарқоқлигига чек



қўйиб, ягона тизим шакллантирилишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикасида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият юритаётган мавжуд барча органларни ягона Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлигига бирлаштириш ҳамда марказлашган экологик сиёсат юритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида махсус ваколатли давлат органлари тузилмаси, моддий-техник баъзаси, умуман олганда, давлат органлари миқёсидаги тутган ўрни бошқа давлат органлари билан қиёсланганда анча паст ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, бир қатор салбий оқибатларга олиб келади. Мазкур органлар ходимларининг ўз вазифаларига нисбатан эътиборсизлик, паст назар билан қарашлари булардан энг ёмонидир. Ундан ташқари, ҳанузгача амалиётда табиатни муҳофаза қилиш масаласига иккинчи даражали вазифа, табиий ресурслардан фойдаланиш, улардан иқтисодий мақсадларда фойдаланиш масаласига биринчи даражали вазифа сифатида қараш сиёсати ҳукмрон бўлиб келмоқда. Маълумки, экологиянинг устунлигини, яъни табиий ресурслардан интенсив фойдаланишнинг эмас, балки табиатни муҳофаза қилишнинг устунлигини таъминлаш лозим. Мазкур устунликни эса соҳада фаолият юритадиган махсус ваколатли давлат органларининг бошқа органлар билан бирга тутган ўрнини янада ошириш, қатор эркинлик ва кафолатлар бериш орқали таъминлаш талаб этилади. Шунингдек, ходимнинг молиявий жиҳатдан таъминланиши ходимда ўз касбидан қониқишни юзага келтириб, бу ишда масъулият, фидойиликнинг ўсишига сабаб бўлади. Шундай экан, соҳада фаолият юритаётган ходимларни моддий жиҳатдан таъминланиш масаласини қайта кўриб чиқиш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Россинский Б.В., Стариков Ю.Н. Административное право: учебник. – 4-е изд., пересмотр. И доп. – М.: Норма, 2009. – С. 33.
2. Атаманчук Г.В. Обеспечение рациональности государственного управления. – С 38, 92–110.
3. Россинский Б.В., Стариков Ю.Н. Административное право: учебник. – 4-е изд., пересмотр. И доп. – М.: Норма, 2009. – С. 33.
4. Алехин А.П., Кармолицкий А.А., Козлов Ю.М. Административное право Российской Федерации. Учебник. – М.: «ЗЕРЦАЛО», 1998. – С. 7.
5. Бринчук М.М. Экологическое право (право окружающей среды): Учебник для высших юридических учебных заведений. – М.: Юристъ, 1998. – С. 162.
6. Экологическое право: учеб. пособие / С.А. Балашенко [и др.]; под ред. Т.И. Макаровой, В.Е. Лизгаро. – Минск: БГУ, 2008. – С. 97.
7. Ш.Х. Файзиев. Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан. Диссертация на исследование ученой степени доктора юридических наук. – Ташкент. ТДЮИ, 2004.
8. <https://www.bmu.de/ministerium/aufgaben-und-struktur>
9. <https://earthdirectory.net/japan>.
10. <http://www.env.go.jp/en/coop/pollution.html>.
11. [http://english.mee.gov.cn/About\\_MEE/Mandates](http://english.mee.gov.cn/About_MEE/Mandates).
12. <http://eng.me.go.kr/eng/web/index.do.menuId>.
13. <http://eng.menr.gov.ua>.